


## XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

### Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Мамлакатимизда қулай ишбилиар-монлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириши борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга қўйишни автоматластирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

### Корхона ва ташкилотлар сони (2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



#### Юридик шахс:

Юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юридик шахс** хисобланади.

**Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони**  
*(ташикилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*



#### Масъулияти чекланган жамият


Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшимаган иштирокчилари, жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда ва ўтган йилга

нисбатан ўсиши суръати билан)



## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



## Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони (ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)




### Акциядорлик жамияти:

Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият – акциядорлик жамияти ҳисобланади. Акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарап учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.


Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар, акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича, ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлик жамиятининг фирма номида, жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

## Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони (январь-март ойларида, бирликда)



**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони**  
*(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-март ойларида, бирликда)*



**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таркиби**  
*(2021 йил январь-март ойларида, умумий сонидаги улуши %)*




2021 йилнинг январь-март ойларида 1 599 та корхонава ташкилотлар янги ташкил этилди. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 1 341 та, оиласи корхоналар 119 та, хусусий корхоналар 79 та, муассасалар 45 та ва бошқалар 15 тани ташкил этди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар таркиби  
(1 апрель ҳолатига кўра)**



**Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**



- Ишлаб чиқариш саноати
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Электр, газ, буф билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш

2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 8 675 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,6 % га ошди.

Жами саноат корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатида – 26,9 % га (жами саноатдаги улуси 96,0 %), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда – 25,9 % га (жами саноатдаги улуси 1,6 %), электр, газ, буф билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 12,5 % га (жами саноатдаги улуси 0,5 %) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда – 15,4 % га (жами саноатдаги улуси 1,9 %) ўсишидир.

## Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)




2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 3 199 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,9 % га ошиди. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили фуқаролик обьектларини қуришда – ўтган йилга нисбатан 37,6 % га (жами қурилишдаги улуши 7,7 %), ихтинослаштирилган қурилиш ишларида – 38,2 % га (жами қурилишдаги улуши 30,2 %) ҳамда бино ва иншоотлар қуришда ўтган йилга нисбатан – 2,9 % га (жами қурилишдаги улуши 62,1 %) ўсишидир.

## Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра савдо соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар сони 10 919 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,1 % га ошиди.

Жами савдо корхона ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдода ўтган йилга нисбатан – 27,0 % га (жами савдодаги улуши 65,8 %), автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлашда ўтган йилга нисбатан – 33,5 % га (жами савдодаги улуши 7,1 %), автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдода ўтган йилга нисбатан – 22,3 % га (жами савдодаги улуши 27,1 %) ўсишидир.



- Автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**

- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият

**896**



- Яшаш учун жой билан таъминланган ҳолда парваришлаш

**17**



- Яшаш учун жой билан таъминланмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш

**7**



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**

2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 1 862 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,0 % га ошди.

Жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили озиқ-овқат ва ичимликлар етказиши бўйича хизматлар – 10,6 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 93,6 %), яшаш бўйича хизматлар – 2,6 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 6,4 %) ўсишидир.



**119**

**Яшаш бўйича хизматлар**



**1 743**

**Озиқ-овқат ва ичимликлар етказиши бўйича хизматлар**

**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган  
корхона ва ташкилотлар сони  
(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**



2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 570 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,8 % га ошди.

Жами ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сонидан нашриётчилик хизматларида ўтган йилга нисбатан – 9,1 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 8,4 %), компьютер дастурлаштириш хизматларида ўтган йилга нисбатан – 8,7 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 30,7 %), алоқа хизматларида – 11,1 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 43,9 %), ахборот соҳасидаги хизматларда ўтган йилга нисбатан 7,1 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 10,5 %), ўсган.

Дастурлар тузиш ва телерадио – эшиттиришлар бўйича хизматларда – 100,0 % ни (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 1,8 %), кино-видеофильмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва мусиқали ёзувларни ишлаб чиқиш бўйича хизматларда ўтган йилга нисбатан – 96,4 % ни (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 4,7 %) ташкил этади.

## Оилавий корхоналар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Ташкилий-хуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 2 943 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1 009 тага ёки 52,2 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 2 686 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 907 тага ёки 51,0 % га ошганлигини кўриш мумкин.


2021 йилнинг январь-март ойларида 119 та янги оилавий корхоналар ташкил этилди.

## Масъулияти чекланган жамиятлар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

Ташкилий-хуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 27 064 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 5 487 тага ёки 25,4 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 25 002 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 5 185 тага ёки 26,2 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 1 341 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 18 тага ёки 1,4 % га ошганлигини кўриш мумкин.



**Кичик тадбиркорлик субъектлари сони  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирлиқда)**



**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони  
(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирлиқда)**



**Андижон вилоятидаги хорижий капитал иштирокидаги  
корхона ва ташкилотлар сони  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**



Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 378 тани ташкил этиб, улардан 359 таси ёки 95,0 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 44 тага ёки 13,2 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йилнинг январь-март ойларида вилоятимизда 11 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони  
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-март ойларида, бирликда)**



**Андижон вилоятида МДХ Давлатларининг капитали иштироқида  
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**

| Мамлакатлар                                                                                                        | Жами | шундан:          |                    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|------------------|--------------------|
|                                                                                                                    |      | кўшма<br>корхона | хорижий<br>корхона |
| 1  Россия<br>Федерацияси          | 77   | 51               | 26                 |
| 2  Қирғиз<br>Республикаси         | 42   | 25               | 17                 |
| 3  Беларус<br>Республикаси        | 9    | 5                | 4                  |
| 4  Қозоғистон<br>Республикаси   | 7    | 3                | 4                  |
| 5  Озорбайжон<br>Республикаси   | 5    | 4                | 1                  |
| 6  Украина<br>Республикаси      | 3    | 1                | 2                  |
| 7  Тожикистон<br>Республикаси   | 2    | 2                | 0                  |
| 8  Туркманистон<br>Республикаси | 1    | 0                | 1                  |


**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг  
давлатлар кесимида сони**  
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони**  
*(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

|                                                      | 2017 й.    | 2018 й.    | 2019 й.    | 2020 й.    | 2021 й.    |
|------------------------------------------------------|------------|------------|------------|------------|------------|
| <b>Жами</b>                                          | <b>157</b> | <b>177</b> | <b>245</b> | <b>316</b> | <b>359</b> |
| ишу жумладан:                                        |            |            |            |            |            |
| қишлоқ, ўрмон ва<br>балиқчилик хўжалиги              | 4          | 6          | 19         | 26         | 24         |
| саноат                                               | 119        | 136        | 167        | 184        | 202        |
| қурилиш                                              | 7          | 7          | 11         | 20         | 22         |
| савдо                                                | 10         | 12         | 25         | 37         | 51         |
| ташиш ва саклаш                                      | 4          | 3          | 2          | 2          | 3          |
| яшаш ва овқатланиш<br>бўйича хизматлар               | 6          | 6          | 7          | 9          | 10         |
| ахборот ва алоқа                                     | -          | -          | 2          | 5          | 4          |
| соғлашни саклаш ва<br>ижтимоий хизматлар<br>кўрсатиш | 1          | 1          | 1          | 5          | 5          |
| бошқа турлар                                         | 6          | 6          | 11         | 28         | 38         |


**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**  
**(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирлиқда)**



**Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги  
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**

|                       | <b>Жами</b> | <b>шундан:</b>            |                            |
|-----------------------|-------------|---------------------------|----------------------------|
|                       |             | <i>қўшима<br/>корхона</i> | <i>хорижий<br/>корхона</i> |
| <b>Вилоят бўйича:</b> | <b>359</b>  | <b>217</b>                | <b>142</b>                 |
| шахарлар:             |             |                           |                            |
| Андижон ш.            | 144         | 70                        | 74                         |
| Хонобод ш.            | 19          | 14                        | 5                          |
| туманлар:             |             |                           |                            |
| Андижон               | 31          | 23                        | 8                          |
| Асака                 | 20          | 16                        | 4                          |
| Балиқчи               | 8           | 3                         | 5                          |
| Бўстон                | 7           | 7                         | -                          |
| Булоқбоши             | 13          | 8                         | 5                          |
| Жалақудук             | 13          | 7                         | 6                          |
| Избоскан              | 7           | 4                         | 3                          |
| Улуғнор               | 7           | 5                         | 2                          |
| Марҳамат              | 14          | 7                         | 7                          |
| Олтинкўл              | 19          | 13                        | 6                          |
| Пахтаобод             | 8           | 6                         | 2                          |
| Хўжаобод              | 14          | 11                        | 3                          |
| Шаҳриҳон              | 26          | 16                        | 10                         |
| Кўргонтепа            | 9           | 7                         | 2                          |

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг худудлар кесимида сони**  
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирлиқда)*




**Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг худудлар кесимида сони**  
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирлиқда)*



2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг худудлар кесимида жамидаги улуши Андижон шаҳрида 35,7 %, Асака 7,4 %, Шахриҳон 6,9 %, Андижон 6,8 %, Избоскан 5,0 %, Олтинқўл 4,7 %, Балиқчи 4,4 %, Хўжаобод 4,3 %, Кўргонтепа 4,3 %, Марҳамат 4,2 %, Пахтаобод 4,0 %, Жалакудук 3,9 %, Булоқбоини 2,9 %, Улугнор 1,8 %, Бўстон 1,7 % туманлари ва Хонобод шаҳри 2,0 % ни ташкил этади.

**Худудлар кесимида жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
кўшма корхона ва хорижий корхоналарга тақсимланиши**  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, жамига нисбатан улуши % да)



2017-2021 йилларда ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”нинг учинчи муҳим йўналиши – **халқаро иқтисодий хамкорликни янада ривожлантириш** хисобланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ўсиб бориши, энг аввало мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётгани билан изоҳланади.

## Худудлар кесимида янги ташкил этилган оиласвий корхоналар сони (2021 йилнинг январь-март ойларида, бирликда)



2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган оиласвий корхоналар худудлар кесимида тақсимланганда Бўстон (22,7 %), Андижон (14,4 %), Шахрихон (12,6 %), Андижон шаҳри (10,9 %), Кўргонтепа (10,9 %), Асака (7,6 %), Избоскан (6,7 %), Балиқчи (5,9 %), Олтинкўл (2,5 %), Булоқбоши (1,7 %), Хонобод шаҳри (1,7 %), Жалақудук (0,8 %), Пахтаобод (0,8 %) ва Марҳамат (0,8 %) туманлари улушига эга.

## Худудлар кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони (2021 йилнинг январь-март ойларида, бирликда)



Ўтган йилга нисбатан % да



## **Статистик кўрсаткичларга изоҳлар**

**Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри** - ахборотмаълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган, автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

**Рўйхатга олинган** - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тутатилган юридик шахслардан ташқари).

**Фаолият кўрсатаётган** - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

**Янги ташкил этилган** - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

**Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси** - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг % даги ифодаси.

**Кичик корхона ва микрофирмалар** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.**